

# Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA



• 2009-yil • 30-may • Shanba • 65 (29.026) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Болалар спортни ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти куриб битказилди.

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ҲАЙАТЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадри фарзандларим! Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари! Авваламбор, сиз азизларни, сажоватли Сирдарё заминидан, тобора қад ростлаб, чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрида ҳам бўлган барча ўғил-қизларимизни бугунги кунда қўлдан қўйма — «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларимизнинг қуввати ва қобилиятини, салоҳияти ва маҳоратини намойён этадиган, иродасини тоблайдиган бу мусобақаларнинг мард ва матонатли инсонлар юрти бўлиши Мирзақўл воҳасида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Бир лойиҳа қўш учас — қаноти, одам юрса — оёғи қуядиган чўли биёбон бўлган, ота-боболаримизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти ҳисобидан обод ва файзли заминга айланган бу маскан бугун сизларни ўз бағрига қабул қилмоқда ва эъзозламоқда.

Азиз болаларим! Бу дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйлаш-макани, барчангиз яхши англайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродиға етиш учун аввало мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай олижаноб, барчангизга ярашадиган хусусият ва аломатлар мавжуд бўлган ва ўзаро бирлашган жойда албатта муносиб ютуқ ва галабалар қўлга киритилади.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган сазий-характерларимиз, шу борада замонавий моддий-техник базани барпо этаётганимиз авваламбор униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимиз учун, сизнинг қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти куриб битказилган ва юксак талаблар асосида

жихозлангани бунга яққол мисол бўла олади.

Биз болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий бақувват, баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояға етиши учун ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда, барча турар-жойларимизда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт масканлари, стадион, ҳеч шубҳасиз, албатта эришамиз.

«Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари қатори юртимизда шаклланган уч босқичли ягона тизимнинг узвий қисми бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақалари спорт оламига энди қадам қўётган, барчамизда катта умид уйғотадиган ёш талантларни кашф этадиган, таъбир жоиз бўлса, эртанги мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлариға қанот берадиган парвоз майдо-ни, десак, ўйлашмики, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишонман — бу мусобақаларда сиз, азиз болаларим бандан руҳ билан, ёшлик шижоатингиз, бор куч ва маҳоратингизни намойён этасиз, эришган натижаларингиз билан ота-оналарингиз, устоз-мураббийлар, дўсту ёрларингизни қувонтирасиз ва орангиздан энг муносиблар юксак шохсупаларға кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мухташам, замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир курувчиларға, меъмор ва муҳандисларға, бу қурилишларға катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларға, бутун Сирдарё аҳлиға чин дилдан миннатдорлик билдираман.


Сизларни бугунги ёшлик ва нафосат байрами билан яна бир бор кутлар эканман, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган бу бетакрор спорт мусобақалари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишини тилайман.

Барчангизға ўқишда ва шахсий ҳаётингизда доимо бахту омад ёр бўлсин, ўз муродингизға етинг, қадри фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



КЕЧА ГУЛИСТОН ШАҲРИДА МАМЛАКАТИМИЗ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҲАЙАТЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2009» СПОРТ ҲАЙАТЛАРИ ФИНАЛ БОСҚИЧИНING ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ҲАЙАТЛАДИ



## ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ШОДИЁНАСИ

(Гулистон шаҳридан махсус муҳбирларимиз Эркин ХОЛБОБОВА ва Мунаввар ПАРДАЕВЛАР хабар қиладилар.)

Спорт инсоннинг жисмонан соғлом бўлишида асосий омил бўлибгина қолмасдан, иродасини мустаҳкамлайди, сабр-бардош билан машаққатларни енгиб ўтишға ўргатади. Миллати ва мамлакатининг жаҳондаги нуфузини, обрўсини оширишға ҳисса қўшган спортчи кўксидан гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиради. Истиклол йилларида яратилган шароитлар тўғрисида қанчалар кўп гап-сўз бўлган. Сўнгра, мамлакатимиз талаба-ёшларининг катта спорт байрамиға Бухоро (2002 йил), Самарқанд (2004) вилоятлари ҳамда Тошкент (2007) шаҳри мезбонлик қилган эди.

Уч босқичли тизимнинг ўрта бўғини саналган академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари

тизими ёшларни катта спортга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фахр билан айтиш жоизки, ҳали жаҳон тажрибасида кузатилмаган бундай тизимға илк бор Ўзбекистонда асос солинган ва у изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Дастлаб 2000 йили Наманганда олий ўқув юртлири талабаларининг «Универсиада» мусобақалари ўтказилган. Сўнгра, мамлакатимиз талаба-ёшларининг катта спорт байрамиға Бухоро (2002 йил), Самарқанд (2004) вилоятлари ҳамда Тошкент (2007) шаҳри мезбонлик қилган эди.

Уч босқичли тизимнинг ўрта бўғини саналган академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари

эса Жиззах (2001), Андижон (2003), Тошкент (2005) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (2008) зўр муваффақият билан ташкил этилди.

Ўғил-қизларимиз қалбида жисмоний тарбия ва спортға меҳр уйғотадиган ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари эса уч босқичли тизимнинг илк бўғини ҳисобланади. Бу мусобақанинг республика финал босқичлариға бугунгача Фарғона (2002), Хоразм (2003) ва Қашқадарё (2006) вилоятлари мезбонлик қилдилар.

(Лавоми 4-бетда)

### Депутат ва ҳаёт

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мирзо Улуғбек туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, мамлакатимизда унинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш борасида қўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон ша-

роитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияда бу борада хорижий экспертлар томонидан билдирилган фикрлар хусусида сўз юритилди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни тубдан

ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, молия-банк тизимини мустаҳкамлаш, замонавий бозор механизмлари, инфратузилмасини шакллантириш ишларининг амалга оширилиши жаҳон иқтисодий инқирози оқибатининг салбий таъсириға ишончли тўсиқ бўлди, уни юмшатиш ва бартараф этиш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Инқирозға қарши чоралар дастурида иқтисодий бўҳроннинг

оқибатларини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан бир қаторда ривожланишнинг стратегик устуворликларига асос солинди.

Бу Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, аҳолини ишсизликдан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини яратишға хизмат қилмоқда.

(Лавоми 2-бетда)

### КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Самарқандда одамларнинг иш билан бандлиги, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш, йўл коммуникация тармоқларини таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан вилоятнинг шаҳар ва туманларида янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан дастур ишлаб чиқилди.

Жумладан, Пахтачи туманининг Сулувкўрғон маҳалласида «Бинафша савдоси» хусусий корхонасининг гишт заводи иш бошлади. Корхонаға 72 миллион сўмлик замонавий ускуналар ўрнатилган, унинг ишға тушиши муносабати билан 30 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш ўрниға эга бўлиши.

Корхонада йилға 6 миллион донна пишиқ гишт ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

(Ўз муҳбиримиз.)

### ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА

Поп туманидаги Халқобод қишлоғида жойлашган 32-мактабни мукамал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Лойиҳа қиймати 167 миллион 400 минг сўм бўлган мазкур иншоот таъмирини «Поп қурилиш-таъмирлаш» шўъба жамияти курувчилари олиб боришмоқда. Айни кунларда мактабнинг асосий биноси ва спорт залиға пар-

доз берилмоқда. Туманининг бир қатор қишлоқларида эса аҳолиға тоза ичимлик суви етказиб бериш билан боглик масалалар ўз ечимини топомқда. Ҳомийлар ва давлат маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар қишлоқ кишилари қайфиятиға кўтаринкилик бағишлamoқда.

Носиржон ДЕКҚОНОВ

### «ЯНГИ ХОНОБОД» БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Қарши туманида Янги Хонобод кўрғончаси қурилиши бошланди. У замонавий қурилиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Янги қишлоқ учун 33 гектар ер майдони ажратилди.

— Бу ҳудудда 4 та уй-жой қурилишини бошладик, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Шухрат Қурбонов. — Янги Хонобод кўрғончасида барча қулайликларға эга 252 та уй-жой, мактаб, болалар богчаси ҳамда бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши режалаштирилган.

Музаффар ТУРОПОВ

### КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА



2

### ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ ИЛДИЗЛАРИ




3

### ОДАМИЙЛИК ҚИРРАЛАРИ



4



# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шундан сўнг депутат парламент куйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти, партия депутатларининг қонун ижодкорлигида иштироки, ташаббуслари ҳақида маълумот берди. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси таркибидаги ўз фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтди.

— Утган тўрт ярим йил мобайнида Қонунчилик палатаси томонидан 213 та қонун қабул қилинди. Иқтисодий, меҳнат, ижтимоий масалаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилди. Солиқ кодекси (2007) ва «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида» (2006), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» (2008), «Почта алоқаси тўғрисида» (2009) қонунларининг янги таҳрири ишлаб чиқилди.

Ҳақ тўлаш ва нафақа тайинлашдаги қонунчиликка муҳим ўзгариштирилган киритилди. Натижада, 2007 йилдан шу даврга қадар энг кам иш ҳақи миқдори 7-8 баробарга ўсди.

2009 йилнинг бошидан шу вақтгача 15 та қонун куйи палатада кўриб чиқилди, Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди ва қабул қилинди. Булар 2 та янги қонун, 1 та янги таҳрирдаги қонун, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича 10 та қонун, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар ва халқаро ҳужжатларини ратификация қилиш тўғрисидаги 2 та қонундан иборат.

Ўзбекистон ХДП фракцияси бу жараёнда ижтимоий йўналтирилган қонунчиликни тақомиллаштириш, уларда партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратиб келмоқда. Фракция аъзолари мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этишда муносиб иштирок этмоқда. Мазкур дастурни амалга оширишнинг норматив базасини ташкил этадиган қонунлар ва ижтимоий соҳага оид Президент фармон ва қарорлари, давлат дастурлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки орди.

Учрашувда «Оқўрғон», «Дархон», «Ҳамид Олимжон», «Амир Темура», «Аҳмад Ясавий», «Файзулла Хўжаев», «Олимлар», «Шахрообод», «Бўз-2», «Ҳабиб Абдуллаев», «Сайрам», «Умид» маҳаллаларида истиқомат қилувчи сайловчилар, жамоатчилик ҳамда таълим соҳаси вакиллари иштирок этди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олдилар.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат фонди

### ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари (ОАВ) материалларининг профессионал, гоғвий ва бадий савиясини (даражасини) кўтаришга қаратилган қўйидаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— давлат органларининг жамоатчилик билан алоқасини яхшилашга, матбуот хизматлари ва ахборот гуруҳларининг профессионал савиясини (даражасини) кўтаришга қаратилган ўқув ва услубий материаллар тайёрлаш ва чоп этиш; — журналист кадрларнинг профессионал савиясини (даражасини), уларнинг тармоқлар бўйича ихтисослашувини («Фирга қарши — фирк, гоғя қарши — гоғя, жаҳолатга қарши — маърифат» тамойилларини татбиқ қилиш доирасида) кўтариш;

— экологик муаммолар ва аҳоли саломатлигига бағишланган ахборот ва ахборот-таҳлилий материалларини, бадий асарларни, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни, шунингдек, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларни тайёрлаш ва ОАВларида жойлаштириш;

— фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини, аҳолининг фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини кўтаришга қаратилган ахборот-таҳлилий материалларини ОАВларида жойлаштириш йўли билан Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг боришини кенг ёритиш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 7 млн. сўм.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2009 йил 30 июнь соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатида олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 формат): «100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусха билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни [grantmedia@inbox.ru](mailto:grantmedia@inbox.ru), электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг куйидаги расмий сайтида: [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонидан танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат фонди

### ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг амалга оширилишига қаратилган, куйидаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— қишлоқ жойларда янги иш ўринларини барпо этиш, шу жумладан, барча вилоятлар ва қишлоқлар марказларида ўқув юртлари битирувчилари ва армия сафаридан захирага қайтган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича ихтисослаштирилган кўргазмаларни ташкил этиш, анъанавий хунармандчилик туманларида миллий касб-хунарларни ривожлантириш, пудрат шартномалари асосида касаначилик ишларини бажариш;

— касалликларни олдини олиш, қишлоқ аҳолисини диспансер ҳисобига олиш ва ташхис қўйиш ишларида қишлоқ врачлик пунктларини қўллаб-қувватлаш;

— қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ва сервис хизматларини янги сифат даражасига кўтариш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 7 млн. сўм. Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2009 йил 30 июнь соат 16-00 га

қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатида олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 формат): «100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусха билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни [grantuz@inbox.ru](mailto:grantuz@inbox.ru), электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг куйидаги расмий сайтида: [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонидан танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

## ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

### ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

йўл-қизлар сиёсий билимларини синовдан ўтказди

**НУКУС.** ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашидаги 27 минг партия аъзосининг 6,5 минг нафарини ёшлар ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, республика, шаҳар, туман кенгашлари ҳамда йирик бошланғич ташкилотлар қосида «Истиқбол» ёшлар қаноти бўлиналари тuzилган. Унинг атрафиди ўн мингга яқин йигит-киз бирлашган. Кунги кеча «Еш сиёсатчи — 2009» кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республика босқичи ўтказилди. Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси Назира Матқубова, партиянинг «Фаол аёллар» қаноти республика бўлими раиси Гулнора Нурпепесова танлов катнашчиларига муваффақиятлар тилаб, танловнинг мақсади ҳақида тўхталишди. Беллашувда Хўжайли туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ҳакимбек

Ембергенов биринчи, Амударё тумани Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти қошидаги 3-сон академик лицей ўқитувчиси Баҳодир Дўсимбетов иккинчи, Эллиққалъа тумани 7-сон ихтисослашган мактаб директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари Энажон Шериева учинчи ўринни эгаллашди. Танлов голиблари Қорақалпоғистон республика партия кенгаши диплом ва совғалари билан тақдирланди. **Рейимбой ЭШИМБЕТОВ,** «Ўзбекистон овози» муҳбири.

атли, қалби қайноқ ёшларни ўзига хос байрам билан қутлашди. Ана шундай ёшлар вояга етаётган юртнинг келажаги перлоқ бўлишини таъкидлашди. — Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнларга қўшилишига кўмаклашиш танловнинг асосий мақсадидир, — деди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Баҳодир Юсупов. — Эркин демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимдон бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Танлов ёшларга оид қонун ва меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосидаги савол-жавоблар билан янада қизиқарили ўтди. Қарши туман Иқтисодийет коллежи ўқитувчиси Чарос Темирова танлов голиби бўлди. Иштирокчиларга хомийларнинг совғалари топширилди. **Музаффар ТУРПОВ**

## Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники

Самарқанддаги «Стеклопластик» заводи мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг акциядорлик жамиятига айлантирилди, мулк шакли ўзгарди, чуқур ислохотлар амалга оширилди. Натижада ҳозирга келиб, корхонада меҳнат қилаётган 1000 нафарга яқин ишчи-хизматчилар тайёрлаётган маҳсулот Туркия, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ИСО-9001-2000) халқаро стандартларига тўла мос келади.

### КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА



«Стеклопластик» акциядорлик жамиятида бир йилда қарийб 13 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шунинг 3,5 миллиард сўми спорт жихозлари, офис мебеллари, ўқув лаборатория, тиббий жихозларни ташкил этади. Охириги, 4-5 йилда Сийё Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Япония гранти, «Саломатлик-2» лойиҳали гранти, Халқ таълими вазирлигининг грантларини қўлга киритмоқдамиз, — дейди «Стеклопластик» акциядорлик жамияти раиси,

мажмуи мавжуд. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан мазкур мажмуа ҳозир қайта реконструкция қилинмоқда. Жамият ишчи-хизматчилари мазкур мажмуа учун спорт қайиқлари ҳамда балиқ овлаш, хордиқ чиқаришда фойдаланувчи қайиқлар тайёрлашмоқда. Маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш мақсадида корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Яқинда Туркиянинг ЕРМАКСАН компанияси билан тузилган шартномага кўра 219 минг АКШ доллари миқдоридидаги асбоб-ускуналар келтирилди. Ҳозирги вақтда мазкур ускуналарни монтаж қилиш ишлари олиб боришмоқда. — Бугун бу ерда вилоятнинг Ургут, Тайлоқ, Жомбой, Булунгур, Самарқанд тумани ҳамда Самарқанд шаҳридан 100 нафарга яқин ёш меҳнат қилаётти. Улар ўртача 300-350 минг сўм маош олишади, — дейди корхонадаги БПТ раиси Эркин Индиаминов. — Партияимизнинг мақсад — вазибалари, дастурий гоғларини ёшларга етказиш мақсадида ҳафтанинг ҳар душанба кунги сиёсий ўқув машғулотли ўтказиб келинмоқда. Утган йили 24 нафар ёш ишчимиз ХДП сафига қабул қилинди. Корхона имкониятларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борадаги лойиҳага кўра, яна бир янги цех қурилиши режалаштирилган. Бу 20 нафарга яқин ёшни иш билан таъминлаш имконини яратди. **Абдуваҳид ХУДОБЕРОВ,** «Ўзбекистон овози» муҳбири.



## ЎзХДП ҳаёти

### АЁЛЛАРНИНГ ИЖТимоий ФАОЛЛИГИ кимга ва нималарга боғлиқ?

Жиззах вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан «Хотин-қизларда сиёсий маданият, ижтимоий фаоллик, фуқаролик масъулиятини шакллантириш — давр талаби» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман партия кенгашлари «Фаол аёллар» қаноти раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг маърифий, ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, йирик бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар аёлларнинг жамиятда, сиёсий жараёнларда катта куч эканини алоҳида таъкидлаб, уларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, ҳаётий манфаатларини ҳимоялаш борасида фирк-мулоҳаза билдирдилар.

Дилбар САИДОВА, Жиззах туманидаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини диний маърифий, ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси: — Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, тиббий маданиятини ошириш оила манфаатларини таъминлашда жуда муҳим. Бу борада партия ташкилотлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасида катта масъулият ётибди. Уларнинг урдасидан чиқиш учун зарур бўлса, ҳар бир оилага кириб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, партия фаоллари кўмагидан фойдаланиш, ҳамкорликда турли тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман. **Барно АЛИМКУЛОВА,** Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлилий маркази илмий ходими:

— Хотин-қизларнинг оила, ҳаёт ташвишлари енгиллашса, жамиятдаги фаоллиги ортиб боради. Бунинг учун жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда аҳолига, хусусан уй бекаларига маданий-маиший, сервис хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш зарур. Бунда «Фаол аёллар» қаноти электротар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, хотин-қизларнинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ташаббусларни дадил кўтариб чиқиши лозим. **Назира КАМОЛОВА,** «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маркази вилоят бўлими директори: — Бугунги кунда қишлоқ аёлларига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор бериш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Улар кундалик, уй-рўзгор ташвишлари билан бўлиб, ижтимоий



# Тошкент — 2200 ёшда



Ватанимизнинг муқаддас остонаси, давлатимизнинг Бош шаҳри, азим Тошкент билан бутун Ўзбекистон халқи, барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Мустақиллик шарофати билан Тошкентнинг нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсидаги ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда.


Тинчликнинг мустаҳкам қўргони, Шарқ дарвозаси, дўстлик, биродарлик, бирдамлик шаҳри жонажон Тошкентимиз катта тантаналар арафасида.

## ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ҲАМ, СОТИБ ОЛГАН ҲАМ ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ

Беларуснинг Вакиллар палатаси (парламентнинг куйи палатаси) шу кунларда Маъмурий кодексга ўзгаришлар киритиш устида иш олиб бормоқда. Ушбу ўзгаришларга кўра, самогон ишлаб чиқарган ҳам, уни сотиб олган ҳам жиддий маъмурий жазога тортилади.

Яъни самогон ишлаб чиқариш билан шуғулланган кишига 1 миллион беларус рубли (350 доллар) миқдорига, самогон сотиб олган одамга эса 175 минг беларус рубли (60 доллар) гача жарима жазоси қўлланилади.

«БелТА» АА эслатишича, республикада анча йиллардан буён ичкиликбозликка қарши кураш олиб борилмоқда. Бу курашда республиканинг турли ҳудудларида турлича чоралар қўлланилмоқда. Масалан, Минск вилоятида «хушёр кунлар» жорий қилинган бўлиб, айнан шу кунлари дўконларда алкогольли ичимликлар савдоси амалга оширилмайди. Витебск вилоятида экин-тикин экиш мавсумида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш мумкин эмас. Ушбу вилоятнинг Поставск туманида эса ароқ дўконларида ичкиликка рўжу қўйганларнинг «қора рўйхати» осылган бўлиб, бу рўйхатда номи қайд қилинганларга спиртли ичимликлар сотилмайди.



## 24 КИШИ ЎЛИМГА ҲУҚМ ҚИЛИНДИ

Миср суди қотилликда айбланган 24 кишини ўлим жазосига ҳукм этди. Улардан 9 нафари қидирувда бўлгани учун сирдан ҳукм қилинди.

«Reuters» АА маълум қилишича, улар иккита рақиб компаниянинг хусусий қўриқчилари бўлиб, 2008 йил март ойида Бехейра музофотида бир масала юзасидан уюштирилган «разбор» да отишмалар содир этиб, жиноятга ҳул урадилар. 11 киши ҳаётдан кўз юмади, 27 нафари турли даражада тан жароҳати олади. Маълумотларга қараганда, икки рақиб компания ўзида инфекция олиб юрвчи восита ҳамдир. Бундан ташқари, шифокор хавфсизлигига ҳам раҳна солади. Шунинг учун аёл шифокорларга фақат митти сирга ва узук тақиб юришларига руҳсат берилди, дейилган «gambler.ru» сайтидаги ахборотда. Шунга таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда санитария нўқтани назардан тиббий ходимларнинг оқ халат ва бўйинбоғда юршлари ҳам тақиқланган.

## ТАҚИНЧОҚ ТАҚИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Британия касалхоналари маъмурияти тиббий муассаса ходимларининг бўйнига нафақат «крестик» тақиб юришини, балки тилла занжир бошқа тақинчоқлар тақиб ишга келишини ҳам қатъий тақиқлади.

Маъмурият вакилининг айтишича, тақинчоқлар касалхона «униформа»-сига зид бўлиш билан бирга ўзида инфекция олиб юрвчи восита ҳамдир. Бундан ташқари, шифокор хавфсизлигига ҳам раҳна солади. Шунинг учун аёл шифокорларга фақат митти сирга ва узук тақиб юришларига руҳсат берилди, дейилган «gambler.ru» сайтидаги ахборотда. Шунга таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда санитария нўқтани назардан тиббий ходимларнинг оқ халат ва бўйинбоғда юршлари ҳам тақиқланган.

## Қадрият — ўзликни англаш

# ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ИЛДИЗЛАРИ

### Оила — маънавий қўрғон

Дунёдаги бирор бир мамлакат тараққийоти ижтимоий институтларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу тузилмалар жамиятдаги мувозанат ва барқарорликни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг мамлакатимизда дунёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ оила ва маҳалла институтлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбек оиласи ҳақида озгина бўлса-да тасаввур бўлган ва маҳалладаги урф-одат ва миллий қадриятлари кузатган ҳар қандай хорижий бу фикримизни тасдиқлаши шубҳасиздир. Чунки биз учун муқаддас бўлган ҳар икки масканда ҳам ахлоқ мезонлари устувор бўлган маънавий муҳит ҳукмронлик қилади.

Инсон боласи борки, дастлабки тарбияни оилада олади ва шу асосда дунёга назар ташлайди, атрофини, туғилиш ўстан жойини танийди.

«Оилада бола қалбида яқинларига нисбатан меҳр уйғонади. Миллий қадрият ва аъёналар ҳам улғайиб келаётган бола қалбига айнан оиладаги тарбия орқали сингиб боради.»

Оилавий муносабатлар негизини ташкил қилувчи ота-онага ҳурмат, уларнинг олдига қарздорлик бурчини чуқур англаш, ота-онанинг фарзандлари бахти ва камоли учун бор имкониятини ишга солиб, чин дилдан қайғуриш хисси айнан шу масканда қарор топади. Келажакда ўз ватанини севадиган, унинг ободлиги, тинчлиги, ривожий учун жон куйдирадиган шахс тарбияси айни шу масканда бошланади.

Мустақиллик йилларида оила институтининг жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор қаратиб

келинмоқда. Давлатимизнинг бош қомуси бўлмиш Конституцияимизнинг XIV бобида оиланинг жамият ҳаётида тутган ўрни, уни муҳофаза қилиш асослари, қўйинги, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирлари олдигаги мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ва йўналишда алоҳида давлат дастурларининг ишлаб чиқилганлиги оила ижтимоий институтининг муҳофазаси ҳамда унинг ривожий йўлида қилинган амалий ишларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Президентимиз «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидлаб ўтганидек, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий қўрғон бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз ҳисобланади. Негаки, мафқуравий хуружлар кўпайган, турли маданий экспансиялар авж олган бир пайтда миллат маънавиятини, ўзлигини сақлаб қолишда оила мустаҳкам қўрғон вазифасини ўтайди.

### Демократия дарсхонаси

Маданий глобаллашувлар даврида маҳалла институтининг ҳам миллий қадриятлар бардавомлиги асосларидан биридир. Шу боис мустақиллик йилларида жамиятда маҳалланинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллага шахсонинг ижтимоийлашуви ва маҳаллий бошқарувдаги муҳим ижтимоий институт сифатида қаралмоқда.

Маҳалла муҳитида миллий қадриятлар, аҳиллик, етим-есирларга, ногиронларга ёрдам бериш, тўй-томоша, ҳашар ва маракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ташкил этиш, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ҳамда аъёналар шаклланган.

Халқимизда «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она», деган нақл бежизга айтилмаган.

Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода, Президентимиз ибораси билан айтганда, маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.

Истиклол даврида ҳокимиятнинг барча тизимлари қайтадан ислоҳ қилинди ва фақат олий вакиллик органларига эмас, балки маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ҳам тўв ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзига хос худудий мувозанатни ушлаб турувчи маҳалла ижтимоий муҳитининг аҳамияти ҳисобга олиниб, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

«Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституцияимизга киритилиб, Бош қомусимизнинг 105-моддасида унинг жамият бошқаруви тизимини қўллаш мақоми белгилаб қўйилди.»

Президентимизнинг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги (1992 йил 12 сентябрь) ҳамда хайрия жамғармасига маблағ ажратилган тўғрисидаги (1992 йил 8 декабрь) Фармони маҳаллаларга ҳомилийни ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимизда 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Давлат дастури қабул қилинди.

Жамиятимизнинг муҳим ижтимоий институтлари ҳисобланган оила ва маҳаллага бежизга бунчалик кўп эътибор берилмапти. Миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда айнан оила ҳамда маҳалланинг аҳамияти юқори. Қолаверса, бугунги турли ёт гоёлар, мафқуравлар хуруж кучайган бир пайтда оила ва маҳалланинг ўрни кенгаймоқда, вазифаси ҳамда маъсулияти тобора ортмоқда.

Шавкат УСМОНОВ, ЎЗАМУ магистранти.



# КИЧИК БИЗНЕС — ИҚТИСОДИЙ МЎЪТАДИЛЛИК ТАЯНЧИ

Банк ва миждо

деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Фарғона вилоят бўлими мутахассислари

Фарғона вилояти иқтисодий-иқтисодий Миллий банк Фарғона бўлимининг салмоғи ҳам, ўрни ҳам катта. Бунга қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра турли мулкчилик шаклидаги корпоратив миждолар сони 6970 тага, жисмоний миждолар сони эса 22898 тага етди. Аҳоли ва юридик шахсларнинг Миллий банк Фарғона бўлимига бўлган ишончи янада ортди. Бу энг аввало банкнинг кредит сиёсати билан боғлиқ.



Тадбиркор аёлларга 328,5 млн. сўм, кам таъминланган оилаларга қорвончиликни ривожлантириш учун 61,1 млн. сўм мақдорида маблағ ажратилди.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўрганилаётган Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарига банк фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида тавсиялар берилган. Унга асосан биз вилоятда иқтисодий мўътадилликнинг таянчларидан бири кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш эканига амин бўлди ва кредит сиёсатини шакллантиришда айнан кичик бизнесга алоҳида аҳамият бердик. — дейди Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими бошқарувчиси Ғайратжон Маннонов. — 2009 йилнинг тўрт ойида кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун 2026,1 млн. сўм режа белгиланган эди. У ҳақиқатда 176,4 фоизга бажарилиб, 3513,8 миллион сўм миқдоридан кредит ажратилди.

рида кредит маблағлари ажратилди.

Чунончи Тошқоқ туманида хусусий тадбиркор Хумоюн Бойқўзиёв банкка мурожаат қилиб, пластмасса идишлар ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиш ва ишга тушириш учун 60 миллион сўм кредит ажратишни сўради. Тақлифнинг қизиқарли томони шунда эдики, технология замонавий, махсулот харидорнинг, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратилади. Аммо тадбиркорнинг маққур йўналишдаги тажрибаси камроқ. Зеро, бозор конъюнктурасини яхши ўрганмай махсулот турларини белгилашда ёки унинг таннархини янада арзонлаштириш учун маҳаллий хомашё улушини кўпайтирмай иш бошлашнинг молиявий хатари бор эди. Шу боис

банк тадбиркорга экспертизани ўтказишда, полимер соноати бизнеси конъюнктурасига доир интернет маълумотлари билан танишишда ёрдам берди. Бизнес-режа қайта тузилди. Шу жараён давомида Х.Бойқўзиёв банкдан олган кредит ҳисобига янги сўналарни ўрнатди.

Пухта ишлаб чиқилган йўналиш дарҳол соф даромад бера бошлади. Хусусий тадбиркор ишлаб чиқарувчи ва солиқ тўловчига айланди. Банк кредити эса белгиланган муддатларда қайтарилди бошлади.

Айтиш керакики, жорий йилнинг 4 ойи мобайнида ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорларга Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан Президентимиз қарорига мувофиқ 1554,6 млн. сўм ҳамда Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қарорига мувофиқ 2665,3 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилди.


Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлимида худди шундай йўл тутиляпти. Бунга бир мисол, келтирайлик Риштон туманидаги «Қаҳрамон» фермер хўжалиги иссиқхона лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этишни тақлиф қилиб қолди. Фермер Исомиддин Уринбоев лимонарий қурмоқчилигини, айни кезде витаминли қўқатлар парваришлаб, аҳолини кишин-ёзин таъминламоқчилигини айтиди. Ҳайрат аъзолари фермерни қўллаб-қувватлашга қарор қилди. Хўжаликка 20 миллион сўм маблағ ажратилди. Тез орада иссиқхона қуриб битказилди, Исомиддиннинг тўрт нафар ҳамқишлоғи эса янги касбни эгаллаб, иш бошлади. Бундай лойиҳаларнинг самарали яқинини кузатган қўллаб-қувватловчи фермер ва тадбиркорлар банк миждолари сафига қўшилмоқда.

Миллий банк Фарғона бўлими жорий йилда ёш оилаларга 754 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратди.

Яна икки рақамни келтирмоқчимиз. 2009 йил давомида халқ хўжалиги тармоқлари бўйича миждоларга 9,7 миллиард сўм кредит берилди. Бу банк кредит сиёсатини халқаро талаблар меъёрида, ўз активлари самарадорлигини ошириб, кредитни маълум мақсадга йўналтира олгани, фойдалилик коэффициенти чукр ўргангани, иқтисодий таҳлилларга асосланган ҳолда амалга оширгани натижасидир.

Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироздан чиқариш хулосалардан бири шундан иборат бўлдики, банк озиқ-овқат махсулотлари этиштиришдан ва янги иш ўрни таъинлашдан бизнес лойиҳаларга имтиёз яратилиши лозим.



«Умид ниҳоллари — 2009»

«Умид ниҳоллари» мусобақалари олдидан нафақат Гулистон шаҳрида, балки бутун вилоят туман ва қишлоқларда кенг қўлмалли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, вилоят марказида IV-ТИП болалар спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Алломиш» спорт мажмуаси, йиғирма минг уринли «Ешлик» марказий стадиони тўлиқ реконструкция қилинди. Шунингдек, янги қурилган I-ТИП болалар спорт мажмуаси гулистонлик ўғил-қизлар учун ажойиб совға бўлди. «Умид ниҳоллари-2009» спорт ўйинлари республика финал босқичида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан жами 1792 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Маълумотларга қараганда, мусобақанинг куйи (туман ва вилоят) босқичларида республика миқёсида 4,5 миллионга яқин ўғил-қиз иштирок этган. Эътиборлиси, улардан салкам икки миллион нафарга яқинини қизлар ташкил қилди.

29 май, соат 19.00. Гулистон шаҳридаги «Ешлик» марказий стадиони байрамона безатилган. Гулдурас қарсақлар остида майдонга мусобақа иштирокчилари — ўн тўрт жамоа вакиллари кириб келади.

Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларини очиб, деб эълон қилади.


(Давоми. Боши 1-бетда)

# ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ШОДИЁНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари финал босқичи қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов ўқиб эшиттиради. Стадион олқишларга кўмилади! Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграб, давлатимиз байроғи ва мусобақа байроғи кўтарилди. Шундан сўнг, мусобақа қатнашчилари ҳамда ҳакамлари «Умид

ниҳоллари-2009» спорт ўйинларини адолат ва ҳалоллик тамойиллари асосида ўтказишга қасамёд қилдилар. Стадион гўё бир зум сукунатга чўмгандек. Нуфузли мусобақа машаласини шохмат бўйича Осиё чемпионати қумуш медали совриндори, Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева ҳамда академик эшак эшиш бўйича Осиё ўйинлари чемпиони, халқаро спорт устаси Руслан Наурзалиевлар ёқиди.

Ана шундай ҳаяжонли лаҳзалар мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари томонидан тайёрланган катта концерт дастурига улашиб кетди. Мусобақанинг тантали очиқ маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.



Мухаммад АМИН (ўзА), Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



## ҲАММАГА ДАХЛДОР МУАММО

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ва ЎзХДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида одам савдосига қарши курашиш, жамоатчилик орасида одамфурушликнинг оқибатлари хусусида тушунтириш ишларини кучайтириш каби масалаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. — Одам савдоси би-

лан шугулланганлар чет эл фуқаролари эмас, балки сизу бизнинг орамизда юрган, маҳалладош, қишлоқдош ёхуд танишимиздир, — деди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шухрат Рўзиев. — Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда билимларини

### Тадбир

оширишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилмоқда. — Одамфурушликнинг салбий оқибатлари, чет давлатларга бориб ишлаган фуқароларнинг аянчли тақдирини кўпчиликка сабоқ бўлмоғи лозим, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Бўрибой Бўронов. — Бундай кўнгилсиз ҳолатларга қарши курашишда ҳеч ким, жумладан, партиямиз вакиллари, фаоллари четда туриши мумкин эмас. (Ўз муҳбиримиз)

### Одамийлик ўзгаларга ҳурмат, беғуборлик камтарлик, тўғрилиқ, самимийлик каби хислатларда намоён бўлади.

## ОДАМИЙЛИК ҚИРРАЛАРИ



Абу Райҳон Беруний «Жавоҳирот» китобида одамгарчилик фазилатини куйидагича таърифлайди: «Одамгарчилик, мурувват кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик мурувват эса ундан ҳам устун туради ва ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатларга чидаса, эиқналик қилмасдан, ўзига ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шухрат толган мард киши саналади, у ўзининг ҳалимлиги, мулоимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлиги, камтарлиги ва улугворлиги билан танилиб, юксак даражага кўтарилди. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки гўзал фазилатлари билан ҳақли равишда эҳтиром толади».

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарига одамларнинг бир-бирига меҳроқибатли бўлиши, ҳақида шундай ёзади: **Сена қим қиларкан одамгарчилик, Жавоб бер сен унга қилиб яхшилик.** Алишер Навоийнинг ҳам барча асарларида одамийлик куйланади. «Фарҳод ва Ширин» достонида Шириннинг Хисрав элчиларига берган жавоби бунинг далилидир: **Мени на ёру ошқ хабасдур, Агар мен одам бўлсам, ушбу басдур.** Одамийлик эътиқоди билан яшашни орзу қилган ҳар бир киши Алишер Навоий ижодини ўқиб-ўрганиши лозим. Одамий кишининг муносабатларини ўз оила аъзоларида, қўни-қўниларида қуриши мумкин. Айниқса, яқин қўни билан мулоқотда бўлиш, ҳар бир олиб туриш одамийликнинг белгисидир. «Хикматнома»да таърифлашчи, «Агар қўшининг бемор бўлса, сенда бирор дақиқа бўш вақт бўлди, дарҳол ундан ҳол сўрашга кир, габли ва шод айемлар-

вишда хайр-эхсон қилганлар. Камбағал оилаларга ёрдам берганлар. Бирон-бир хондон бошига ташвиш тушса ёрдам бериш анъана бўлиб қолган. Бундай олижаноблик, ҳиммат ва

### Маънавият

да у билан ҳамдам бўл, ҳар қандай хизмати бўлса, имкони борича адо қилишга ҳаракат қил. Қўшининг шодлиги — сенин шодлигинг, сенин шодлигинг эса уники бўлиши керак. Қўшни бошига ҳар қандай оғир кун тушса, дарҳол уни даф этишга кириши сенин бурчингдир».

Бағрикенглик ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири бўлиб, у инсонни маънавий камолот сари етаклайди. Бағрикенгликнинг бош белгиси инсонпарварликдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда инсонпарварлик — ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва еруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик муҳассамлашган. Ҳақиқатан ҳам, авваллари бирон-бир мусофир чойхонага келса, маҳаллий аҳоли уни уйига таклиф қилган. Араб олими ибн Хавқал бу ҳақда шундай дейди: «Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, гўё барча бир хондонда яшайтгандай. Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандек бўлади. Жуда меҳмондўстдирлар ва кечаси келадиган меҳмондан хижил бўлмайдилар, уни танимасалар ҳам ҳеч бир музд — муқофот қутмай меҳрибонлик кўрсатадилар».

Шунингдек, инсонлар қадимдан ихтиёрий ра- инсонпарварлик ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган. Бу фазилат кишиларда турли миллат халқларига меҳр-муҳаббат хиссини таркиб топтиради. Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик каби ахлоқ-одобга зид ҳатти-ҳаракатларга мурасасизликни шакллантиради. Инсонпарварлик киши бор кучини бошқалар учун сарф қилиш демок. У доимо самимий бўлиб, одамларни завқ-шавқ билан яшашга ундайди. Кишиларнинг ҳаётига, уларнинг турли урф-одатлари, эътиқодлари ва интилишларига алоҳида эътибор қара- тади. **Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА**

## «ПОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2009 ЙИЛ 2 ИЮЛ КУНИ АУКСИОН САВДОЛАРИНИ ОՒКАЗАДИ

### Савдоларга Toshkent shabrida joylashgan quyidagi korxonalarining avtotransport vositalari qoʻyiladi:

Mirobod tumani, T.Shevchenko ko'chasi, 15-uyda joylashgan O'zbekiston Respublikasi Milliy xavfsizlik xizmati Toshkent viloyat boshqarmasi tasarrufidagi - 1994 y. i/ch, d/r 10AV630 bo'lgan «Опель Вектра», boshlang'ich bahosi 5 500 000 so'm, zakalat miqdori 1 100 000 so'm; Turkiston ko'chasi, 8-a-uyda joylashgan O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi O'zbekiston Respublikasi transport prokuraturasi tasarrufidagi - 1998 y. i/ch, d/r 10AX510 bo'lgan «Нексия», boshlang'ich bahosi 4 000 000 so'm, zakalat miqdori 800 000 so'm; Shayhantoxur tumani, A.Xo'jaev ko'chasi, 5-uyda joylashgan O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi Davlat Feld'yegerlik xizmati tasarrufidagi - 1997 y. i/ch, d/r 01/438FAA bo'lgan «Дамас», boshlang'ich bahosi 3 700 000 so'm, zakalat miqdori 740 000 so'm, 1997 y. i/ch, d/r 10BA726 bo'lgan «Тико», boshlang'ich bahosi 2 550 000 so'm, zakalat miqdori 510 000 so'm, 1995 y. i/ch, d/r 10AX089 bo'lgan «ДЭУ Сиело», boshlang'ich bahosi 3 300 000 so'm, zakalat miqdori 660 000 so'm; Mirzo Ulug'bek tumani, A.Tolstoy ko'chasi, 23-uyda joylashgan O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi «O'zbekiston Telekommunikatsiya tarmoqlarini boshqarish respublika markazi» DUK tasarrufidagi - 2000 y. i/ch, d/r 10AO881 bo'lgan «Дамас», boshlang'ich bahosi 3 350 000 so'm, zakalat miqdori 670 000 so'm; Yunusobod tumani, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 6-uyda joylashgan, O'zbekiston Respublikasi Toshshahartranshizmat uyushmasi «Transport xizmatlari sifatini nazorat etish boshqarmasi» DUK tasarrufidagi - 2001 y. i/ch, d/r 10AP382 bo'lgan «Нексия GLE», boshlang'ich bahosi 5 000 000 so'm, zakalat miqdori 1 000 000 so'm; Yunusobod tumani, Istiqlol ko'chasi, 29-uyda joylashgan O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi «Axborot-Hisoblash markazi» DUK

tasarrufidagi - 2001 y. i/ch, d/r 10AK926 bo'lgan «Дамас DLX», boshlang'ich bahosi 6 000 000 so'm, zakalat miqdori 1 200 000 so'm. Savgdolar soat 11:00da boshlanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval soat 18:00da to'xtatiladi. Savdolar qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «POUTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasining ATIB «Ipoteka-banki» Shayxontoxur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 2021000004243151002 xisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi. Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirida yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi. Mazkur ob'ektlar yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda navbatdagi xaftalarning payshanba kunlari o'tkaziladigan savdolar qo'yiladi. Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzildan qo'shimcha ma'lumotlar olish mumkin: 100060.

**Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shoh ko'chasi, 16-«A» uy. Aloqa telefoni 233-23-49, telefaks 233-23-40, elektron pochta: P-A.DUK@mail.ru** Shuningdek, 2009 yil 21 fevraldagi «O'zbekiston ovozi» ro'znomasining 23-sonida berilgan «TOSHIQSHLOQMASH» OAJ tasarrufidagi d/r 10AZ576 bo'lgan «KAMA3 53202», «O'zkom-muno» quv-tashkilotchi» O'quv-uslubiy, normativ-injinirov Respublika markazi tasarrufidagi d/r 10 AQ 840 bo'lgan «GA3 31029» ruzumli avtotransport vositalari auktsion savdolaridan olinganligini hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni ishlar Boshqarmasining transport bo'limi tasarrufidagi d/r 10PP175 bo'lgan «Нексия» ruzumli a/v 3 950 000 so'mga sotilganligini ma'lum qiladi.